

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,**  
**2021.**

<b>Ш.Абдусаторов</b>	
Анъанавий ўзбек таомларидаги ўзгаришлар ва ундаги новациялар .....	179
<b>А.Акбаров, Д. Абдуллаева</b>	
“Билса эди чечаклар, гуллар...” .....	183
<b>Д.Хошимова, М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий ифодаларнинг прагматик тадқиқи .....	186
<b>К.Марасулов</b>	
Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши .....	189
<b>М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятлари .....	193
<b>М.Хусанова</b>	
Фарида Афрўз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни оширувчи восита сифатида .....	196
<b>Д.Исроилова, Н.Ашурова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари .....	200
<b>Д.Юлдашева</b>	
Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши .....	204
<b>З.Акбарова</b>	
Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир .....	207
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилиши .....	209
<b>Ш.Алиева</b>	
Тил ва нутқ ҳодисалари .....	213
<b>М.Ҳожиева</b>	
Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида .....	217
<b>Ш.Дадабаева</b>	
Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши .....	220
<b>Д.Турдалиева</b>	
Мақолларнинг прагматик функционалиги .....	223
<b>А.Мусаев</b>	
Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи .....	226

---

 ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
 

---

Илмга бахшида умр .....	229
-------------------------	-----

УДК:413.164/930.22

**ДИПЛОМАТИЯ СОҲАСИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**  
**ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕРМИНОВ В ОБЛАСТИ ДИПЛОМАТИИ**  
**LINGUISTIC STUDY THE TERMS OF THE FIELD OF DIPLOMACY**

**Мусаев Акмал Ибрагимджанович<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Мусаев Акмал Ибрагимджанович,**– *АНДУ тадқиқотчиси.***Аннотация**

*Мақола дипломатияга оид атамаларнинг лингвистик тадқиқига бағишланади. Бунда терминлар ҳақида умумий тушунча берилиб, дипломатия атамасининг бугунги кундаги тилшуносликдаги ўрни ва дипломатия атамасининг келиб чиқиш тарихига бироз тўхталилади. Дипломатик атамалар таҳлилга тортилади ва уларнинг лингвистик таҳлили кўрсатиб берилади.*

**Аннотация**

*Статья будет посвящена лингвистическому изучению терминов, связанных с дипломатией. В нем дается общее представление о терминах и немного затрагивается роль термина дипломатия в современном языкознании и история происхождения термина дипломатия. Анализируются дипломатические термины и указывается их лингвистический анализ.*

**Annotation**

*This article is devoted to the linguistic study the terms of diplomacy. It gives a general idea of the terms, the role of the term diplomacy in today's linguistics and a little bit about the history of the origin of the term diplomacy. Diplomatic terms are subject to analysis and indicate their linguistic analysis.*

**Таянч сўз ва иборалар:** дипломатия ва дипломатик муносабатлар, терминлар, дипломатик луғатлар, лингвистик тадқиқ, ташқи алоқалар, доминант сема, лексик бирлик.

**Ключевые слова и выражения:** дипломатия и дипломатические отношения, терминология, дипломатическая лексика, лингвистическое исследование, внешние связи, доминанта, лексическая единица.

**Key words and expressions:** diplomacy and diplomatic relations, terminology, diplomatic dictionaries, linguistic research, Foreign Relations, dominant mean, lexical unit.

Дипломатияга оид терминларга тўхталишдан аввал, термин масаласига бироз тасниф бериб ўтамиз. Термин (лотинча terminus – чегара, ҳад) – билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига оид тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Термин ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир[1]. П.Нишонунинг таъкидлашича, «термин-тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир. Терминологияни таснифлашдаги хилма-хиллик (рус тилшунослигида) ўзбек тилшунослигида таснифлангани каби, хорижий тил илмида ҳам бу термин ўзига хос таърифга эгадир. Ҳозирги вақтда ушбу соҳа ва унга ёндош бўлган бир қатор мунозарали масалалар бўйича турли талқинлар мавжуд. Термин тушунчасининг ўзига хос хусусиятларидан бири терминнинг махсус соҳада ва

профессионал соҳада қўлланилиши бўлиб, аҳамияти жиҳатидан бундай терминологиянинг луғат қатлами маълум бир билим соҳаси билан чегараланган бўлади.

А.А.Реформатскийнинг термин тушунчасига билдирган фикрида: «Термин – бу сўз бўлиб, ўзининг алоҳида ва махсус белгилари билан чегараланади, фан, техника, иқтисодиёт, сиёсат ва дипломатия соҳаларида бир маъноли, аниқ сўздир. У экспрессивликдан ҳоли, муайян предмет ёхуд тушунчани ифода этувчи, ўзининг қатъий ва аниқ мазмуний чегарасига ҳамда изоҳига эга бўлади»[2,210]. Ҳақиқатан ҳам термин, оддий сўз каби туюлса-да ўзига хос хусусиятларни ўзида мужассам этган бир сўздир. Ҳар бир соҳа бўйича белгиланган доирада ўзининг маъно ва мазмунини ифода этади. Н.П.Кузькиннинг фикрича, «умумий адабий лексика билан махсус соҳадаги термин ўртасидаги ёхуд сўз бирикмаси билан шакл ва таркибий жиҳатдан ҳеч қандай фарқли жиҳатлари

бўлмаган тақдирда ҳам умумадабиётда кенг қўлланиладиган лексема ҳаммага таниш бўлган объектга хос бўлиб, терминологик соҳадаги термин эса фақатгина тор доирадаги мутахассисларгагина оид бўлади»[3,132]. Дарҳақиқат, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно касб этса-да, шу соҳа билимдонлари ўртасида тушунилади. Бу борада улар ўзаро мулоқотга киришади ва шу аснода бириктирилган вазифаларни адо этади. «Ҳар қандай термин, – деб қайд этади Р.Ф.Пронин, атрофидаги сўзлар ва контекстга боғлиқ бўлмаган сўзлар алоҳида семантик бирлик сифатида эмас, балки маълум бир соҳадаги техник маънога эга, қўлланилганлик даражасига, соҳасига кўра таркибини ўзгартириш мумкин бўлган сўз сифатида қаралиши керак»[3]. Айрим мутахассислар эса бундай фикрга қарама-қарши фикрни, яъни терминнинг контекстга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган ғояни илгари суришади. Улар билдирган муносабатга биноан, «агарда терминологиянинг қайсидир туркумга хослиги аниқ бўлса, у ҳолда терминлар контекст ташқарисида ҳам ишлаши мумкин»[1]. Фикримизча, мазкур хилма-хиллик, олимларнинг контекст тушунчасини турлича тушунишидир. Контекстни сўзга айланиши, нутқдаги вазият, баёнот жанрини қамраб олади, айнан шунинг учун ҳам нутқнинг контексти, вазият мазмунини ажратиб туради. Контекст оғзаки ёки ёзма нутқ (матн)нинг нисбатан тугал қисми бўлиб, ўз таркибидаги сўзлар ёки ибораларнинг маъноларини аниқлашга имкон беради, деб айтишимиз мумкин.

Дипломатия соҳасига назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳа бошқарув сиёсати, яъни дипломатик муносабатлар вужудга келган даврдан бошлаб, вазифаси ва ўз мавқеига эга бўлган амалий соҳа ҳисобланиши бизга маълумдир. Шу вақтдан бошлаб, «дипломатия» тушунчаси, ҳозирга қадар фаол ва долзарб тушунча сифатида олимлар ва тадқиқотчилар эътиборида бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Тилшунослик фанлари системасида деярли барча фанлар билан узвий алоқада бўлиб[4], лингвистик ёндошув асосида ўрганилаётган бирор-бир объект бир пайтнинг ўзида ҳам тилшуносликка ҳам бошқа фанга тегишли бўлиши мумкин. Бундан дипломатия соҳаси ҳам мустасно эмас[4]. Олимларимизнинг таъкидларига кўра, албатта дипломатия соҳаси ўзининг

семантик жиҳатидан ҳам кенг майдонига эгадир. Бу майдонда алоқаларнинг ҳамжиҳатлик билан амалга ошириш жараёни кетади. Дипломатия атамаси жуда кенг маънога эга бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эгадир. Буларнинг барчаси дипломатик муносабатларни бир-бири билан узвийликда давом этишини билдиради. Улар ҳар бир босқичда ўз ўрнига эга бўлиб, алоқа воситаси сифатида аҳамиятга моликдир. Ҳар бир давр ва мамлакат бошқарув тизимида бўлгани каби, «Бобурнома» асарини ўқиш жараёнида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам дипломатик алоқаларни ўрнатишда ўзига хос йўсинда фаолият олиб борганига дуч келамиз. «Дипломатия» термини англатадиган маъно жуда кенг ва умумбашарий бўлиб, бу ҳақда турли тилларга оид адабиётларда ва айнан дипломатик луғатларда турлича қарашларни кузатиш мумкин[8]. «Дипломатия – давлатнинг ташқи халқаро сиёсатини амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолиятидир» [6]. Дипломатия ташқи сиёсатга оид бўлиб, мазкур сиёсатнинг фаол қуроли ҳисобланади.

Дипломатия соҳасига оид ҳар хил тиллардаги атамаларнинг кўп миқдори умумадабиёт сўзларнинг маъноларини ўзгариши оқибатида юзага келади ҳамда уларнинг муносабатларини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Дипломатия термини ҳақида ўрганилган фикрларни даврий таснифлар асосида сараласак, ушбу терминнинг семантик табиатини ёрқин тасаввур этиш имконияти мавжуд бўлади: 1. Инглиз манбаларидаги изоҳларда дипломатия термини таркибида элемент, тинч йўл, санъат, фан деган семалар пайдо бўлади ва ушбу семалар терминга хос илмийлик хусусиятини ривожлантириш учун хизмат қилди. 2. Рус олимларининг изоҳларида эса ақл, услуб, тажриба каби инглиз изоҳларида қайд этилган семалар билан бир қаторда қўлламоқ, музокара олиб бормоқ, фаолият олиб бормоқ, сабрли бўлмоқ сингари ҳаракат ифодаловчи семалар фаоллаша боради. 3. Этимологик маъно англатадиган дастлабки тушунчага кўра, музокарани амалга оширувчи асос бу шахс иштирокидир. Дипломатия термини таркибидаги энг асосий, марказий, доминант сема шахс семаси ҳисобланади.

Демак, дипломатия терминининг семантикаси даставвал элемент, фан, санъат, ақл, услуб, тажриба, кейинчалик қўлламоқ, музокара олиб бормоқ, фаолият олиб бормоқ, сабрли бўлмоқ семалари билан бойиган, якуний ўринда эса шахс семасининг фаоллашуви аниқланди.

Дипломатия ташқи сиёсатнинг асосий бўғини бўлиб, у мамлакатнинг дунёнинг қолган барча давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигини бошқарадиган кенгроқ мақсад ва стратегиялардан иборат бўлиши даркор. Халқаро шартномалар, битимлар, альянслар ва ташқи сиёсатнинг бошқа кўринишлари одатда дипломатлар томонидан, миллий сиёсатчилар томонидан маъқулланмасдан олдин муҳокама қилинади. Буларнинг барчаси дипломатия соҳасига жиддий ёндашиш ва уларнинг маъмур-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган таъкидлардан шуни англашимиз мумкинки, дипломатия – бу бирор ҳаракат жараёнини уюштириш, уларни ижобий ташкил қилиш учун кўп матрта фикр юритиш зарур бўлган соҳалардан биридир. Шунингдек, ўзаро мамлакатларни дўстона тил топишиш, одамларни ҳамкорликка чорлаш, ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришга ундаш, ҳар томонлама шу ҳолатга кўндириш, унинг ишончини оқлаб, улур

мақсадлар йўлида ҳамкорлик қилишга кўнрдириш ва дунёда энг масъулиятли ва олийжаноб юмушлардан бири эканлигига таҳлиллар жараёнидан гувоҳ бўлдик.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, дипломатия соҳасига оид терминларнинг лингвистик тадқиқи натижасида, терминнинг моҳияти атрофлича ёритилиб, дипломатия терминининг мазмун жиҳатидан тавсифи шарҳлаш усули орқали кенгроқ тушунтириб берилгани аниқланган. Ушбу услуб ҳақиқатан дипломатик терминларни ҳар томонлама лингвопрагматик жиҳатдан ёрқин кўрсатиб беришга асослидир.

Дипломатия соҳасига оид ҳар хил тиллардаги атамаларнинг кўп миқдори умумодабий сўзларнинг маъноларини ўзгариши оқибатида юзага келиши, бу борада ўрганилган фикрларни даврий таснифлар асосида сараласак, ушбу терминнинг семантик табиатини ёрқин тасаввур этиш имконияти мавжуд бўлади. Албатта, дипломатия терминининг маъно-мазмунни ҳам бошқа касб-кор ёки соҳа доирасида тушунарли бўлганидек, соҳанинг ўзига хос характерини ёритиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Буларни янада кенгроқ ўрганиш ва терминларнинг лингвистик жиҳатидан тадқиқ қилиш тавсия этилади.

#### Адабиётлар:

1. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка//Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1968.
2. Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ. – № 20. – Вып. 4. – Л., 1962.
3. Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы. – М.: Высшая школа, 1996.
4. Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Тошкент: Фан, 2007.
5. Расулов Р., Абдуллаева Н. Ўзбек дипломатик нутқи. – Тошкент, 2015.
6. Chines-English-Korean Dictionary of diplomatic expression. – Beijing, 1997.
7. Журавченко К.В. Русско-английский дипломатический словарь. – М.: Русский язык, 2001.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1- том. – Тошкент, 2006.
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/termin-uz/>

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)